



20 20 у « 22 » апрель

№ Қ-186

« \_\_\_ » 20 \_\_\_ г

**Узун тумани “Ж.Пирназаров” массивидан  
“Шермухаммад Билолиддин Узумчилик”  
МЧЖга узумчиликни ривожлантириш,  
янги токзор барпо этиш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари-Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзоқов раҳбарлигида 2020 йил 01 апрель куни Сурхондарё вилояти ҳокимлигида ўтказилган 24/1-3058-сон йиғилиш баёни 11-иловасининг ўнинчи бандига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/184-сон йиғилиш баёни ва Узун туман ҳокимининг 2020 йил 20 мартдаги 01-05/112-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 05-02/184-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Узун тумани “Ж.Пирназаров” массивидан “Шермухаммад Билолиддин Узумчилик” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги 88, 90, 91, 102-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 65,0 балл бонитетли жами 43,5 гектар, шундан 42,0 гектар суғориладиган экин ер ва 1,5 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари узумчиликни ривожлантириш, янги токзор барпо этиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Узун туман ҳокимлиги (Б.Турсунов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов